

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ ПОСТЛАРИ АЛОҲИДА НУТҚИЙ ЖАНР СИФАТИДА

Валиев Элёржон Илхомжон ўғли

Қўқон Давлат Университети тадқиқотчиси

Аннотация. Тил тизимида нутқий жанрларнинг лингвистик тадқиқи 21-асрнинг 50-йилларидан бошланди¹. Ушбу тадқиқотларда тил тизимидаги тайёр нутқий бутунликларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш асосий мақсадга айланди.

Калит сўзлар: жанри аудио, видео, текст, графика, субтитр, инверсия, риторик саволлар, экспрессив талаффуз

Нутқий жанрлар ижтимоий жамият вакиллари томонидан ишлаб чиқилувчи нутқий бутунликлар бўлганлиги боис улар тил тизимида фаол қўлланилиши ёхуд истеъмолдан чиқиши ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам турли имкониятларни ўз ичига олувчи виртуал нутқий жанрлар яратилмоқдаки, ушбу нутқий жанрларнинг асосий мақсади инсонлар ўртасида виртуал коммуникацияни амалга оширишдир. Ҳозирги кунда виртуал мулоқот жанрларининг имкониятлари кенгайиб бормоқда. Виртуал нутқий жанрлар таркибида ижтимоий тармоқ постлари ҳам муайян ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram, Twitter/X, Telegram, TikTok ва бошқалар) даги яратилаётган постлар замонавий нутқий фаолиятнинг муҳим ва оммавий шаклидир. Улар ҳам ёзма, ҳам мултимодал хусусиятга эга бўлиб, баҳолаш, шахсий ва жамоавий муносабат билдириш, танқид, ҳазил, ахборот тарқатиш, кўнгил очиш, реклама қилиш каби қатор ижтимоий функцияларни бажаради. Ижтимоий тармоқ постлари платформа чекловлари сабабли қисқа ва таъсирчан тузилади. Шунинг учун улар қисқа, лўнда ва ҳиссий таъсирга йўналтирилган бўлади. Ижтимоий тармоқ постларида нафақат матн, балки расм, GIF, видео, эмодзи, хэштег, линк, ҳавола ва геолокация элементларини қўшиш имконияти мавжуд. Ижтимоий тармоқ постларининг алоҳида лингвистик хусусиятлари шунда кўринадики, бунда *сленг, интернет лексикаси, тиллар қоришуви, хештеглар, қисқа гаплар, бош гапсиз иборалар, катта ҳарфлар, эмодзилар, тиниш белгилари* кўп қўлланилади, прагматик жиҳатдан *чақириқ, танқид, ирония, шов-шувга айлантириш* нутқий мақсадлари ётади. Ижтимоий тармоқ постларида фойдаланувчи ўзининг жамиятдаги ўрнини намоён этиб, тил услуби ҳам шу мақомга мос равишда танланади. Шу билан бирга, маданий кодлар ва шевалар, хусусан, миллий ва ҳудудий шевалар, идиомалар кўп қўлланилади. Ёшлар томонидан яратилган постларда ҳазил мемлари, шева, интернет сленг кўп қўлланилади, ҳазил постлари ижтимоий тармоқларда мемлар, кинояли ва сарказмли матнлар, видеопародиялар кўринишида ҳам намоён бўлади. Масалан,

А) “TikTok” ижтимоий тармоғидаги ҳазил мемлари: *Жоним, картенгга 10 миллион пул ташладим. Хохлаган нарсангни сотвол, 2-3 миллион эринггаям бер. –Салом, хайрли кун. Мен уни эриман. Унга айтиб қўйинг. У менга бир сумам бергани йўқ*².

¹

² <https://youtube.com/shorts/GyDIsewAvDg?si=YBufTUrPtoORdZ9O>
www.bestpublication.uz

Б) Facebook: Чўпон йигит билмаса гапирмайди....³

В) Instagram: Аёлнинг кучи ўзига ишончида. У ўзини ким эканини билганда ҳеч ким уни тўхтатаолмайди. Сиз ҳам ўзингизга ишонасизми?⁴

г) Telegram: Академик Турғунпўлат Даминов вафоти муносабати билан ҳамдардлик 08.02.2022

Академик Турғунпўлат Даминов

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Таниқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Турғунпўлат Даминов 2022 йилнинг 6 февраль куни 81 ёшида вафот этди. Т.Даминов 1941 йил 25 апрелда Тошкент шаҳрида тугилди. 1964 йил Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)ни тугатиб, меҳнат фаолиятини мазкур олий таълим муассасасида стажёр-тадқиқотчиликдан бошлади. Кейинчалик аспирантурада таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги этиб сайланди. Заҳматкаш олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент давлат тиббиёт институти доценти, кафедра мудири, ректори, Тошкент педиатрия илмий-текишириш институти директори лавозимларида самарали меҳнат қилди. Тошкент тиббиёт академиясида ёшларга сабоқ бериб, юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Т.Даминов ўз илмий фаолиятида индукторларни болалар касалликларига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, кўп йиллик изланишларидан сўнг янги турдаги бензонал индуктор амалиётда қўллана бошланди. Натижада, ўткир ва давомли гепатит касаллигининг сурункали шаклга ўтмаслигини таъминлаб берадиган асосий препарат даволаш жараёнига самарали жорий этилди. Т.Даминов 6 та дарслик, 14 та монография, 45 дан зиёд илмий-услубий қўлланма ва тавсияномалар, ўнлаб мақолалар муаллифидир. Унинг бевосита раҳбарлигида 21 та фан доктори ва 45 га яқин фан номзодлари тайёрланган.

Т.Даминов мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида самарали фаолият олиб борди. Академик Т.Даминовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор” фахрий унвони, “Дўстлик” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан мукофотланган эди. Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Турғунпўлат Обидович Даминовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Т.Норбоева, Н.Исмоилов, А.Арипов, Б.Йўлдошев⁵.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий тармоқ постлари-замонавий виртуал мулоқотнинг универсал ва тезкор хусусиятли нутқий жанр турларидандир. Унда шахсий фикр билан бирга, жамоавий ва маданий хусусиятлар ўз ифодасини топади. Постлар

³ <https://www.facebook.com/az.ziyaev/videos/988034246697117/?mibextid=rS40aB7S9Ucbxw6v>

⁴ https://www.instagram.com/p/DNDgbm0CaGq/?img_index=1&igsh=MTg3Mzhzc2YxZGYxeg==

⁵ <https://president.uz/uz/lists/view/4966>

лингвистика, социоллингвистика ва медиа таҳлил учун муҳим тадқиқот объектларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доронина И. К вопросу об определении понятия “видеоконтент”: номинация и корреляция со смежными понятиями// Вестник МГПУ. Филология. Теория языка, языковое образование. 2020, с 153-159.
2. Что такое видеоконтент//Электронный ресурс// <https://www.unisender.com/ru/glossary/cto-takoe-videokontent/> Мурожаат қилинган сана: 10.07.2025
3. Видеоконтент и его разновидности. //Электронный ресурс// <https://bulgar-promo.ru/videocontent>